ISSN: 2992-877X

IQTISODIY TARAQQIYOT VA TAHLIL ILMIY ELEKTRON JURNAL

IQTISODIY TARAQQIYOT VA TAHLIL

ilmiy elektron jurnali



V son
MAY 2024

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ И АНАЛИЗ

ECONOMIC DEVELOPMENT AND ANALYSIS

www.e-itt.uz

Пашаходжаева Д.Д., Икромова О.О.	Необходимость гармонизации национальных стандартов бухгалтерского учета в соответствии с МСФО	234
Пулатхужаева Д.М.	Важность электронной коммерции в международной торговле	239
Рахимов З.А.	Доверительные интервалы OLS в нелинейных моделях: метод Бутстрапа	247
Расулов С.С., Расулова М.С.	Перспективы повышения эффективности использования орошаемых земель в Сырдарьинской области	256
Равшанов Т.Г.	Важность финансовой поддержки в развитии туристического потенциала нашей страны	262
Рузиев А.И.	Статистический анализ влияния сферы услуг на экономическое развитие	270
Самижонов М.	Связь между прямыми иностранными инвестициями и CO_2 и экономическим ростом в Узбекистане	280
Сатторкулов О.Т., Раймбердиева С.Ш.	Меры по улучшению кредитования субъектов малого бизнеса	293
Шамансурова З., Норбоева М.	Статистический анализ краткосрочных выбросов сукук	299
Сохибова М.	Использование инновационных технологий в развитии туризма: международный опыт и перспективные направления	306
Турсунходжаева Ш.З	Финансовые риски в «зеленом» финансировании	313
Умарова М., Уринова М.	Значение межрегиональных связей в повышении эффективности в туризме	320
Узакова У.Р.	Содержание и сущность механизма развития предприятий отрасли строительных материалов	326
Халимжанов Д.Э.	Возможности направления прямых иностранных инвестиций в малые промышленные зоны в условиях модернизации экономики	338
Яхшимуратова А.Р.	Зарубежный опыт привлечения инвестиций в экологически проблемные районы	352
Йулдашев Ш.М.	Совершенствование системы управления кадрами в сфере здравоохранения.	361
Юсупов А.Р., Садикова М.А.	Направления повышения экономической эффективности путем трансформации акционерных обществах	369
Зикриёев А.С.	Анализ практики управления пожарным риском в жилых помещениях	375
Абдуллаева С.Х.	Вопросы определения системы показателей характеризующих экономическую стабильность	384
Адашов Г.Р.	Развитие инвестиционной политики на примере свободных экономических зон	389
Азизова Н.Т.	Перспективы и риски использования искусственного интеллекта в сфере туризма	396
Азимова Ф.П.	О перспективах развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане	403
Азимова Ш.Т.	Многогранность концепции «инклюзивный туризм»	409
Алиева М.Т.	Развитие туризма на территории Республики Каракалпакстан	418
Артыкова Ф.П.	Анализ факторов обеспечения финансовой устойчивости страховой компании	425
Ахмедова Н.А.	Научно-теоретические аспекты обеспечения пищевой безопасности	436
Ахмедходжаев Р.Т.	Маркетинговые аспекты развития экологического туризма в охраняемых природных территориях Узбекистана	445
Ахроров Ф.Б.	Эффективное использование сельскохозяйственных земельных ресурсов: проблемы и решения в Самаркандской области	458
Гафуров У.В.	Вопросы совершенствования оценки эффективности работы сотрудников в системе «семи соседей»	465
Гафурова У.Ф.	Направления использования опыта иностранных стран для расширения эффективности инвестиций и инновационной деятельности	474
Давлятов Б.	Классические подходы к промышленной кластеризации	482
Дулабов З.А.	Совершенствование аудита налоговых обязательств	491
Ибрагимов А.К., Шарахметов Ш.Ш.	Методологические аспекты организации кассовых операций в коммерческих банках	496
Исоков З.З.	Совершенствование сбора налога на землю и имущество, расчисленного из доходов местного бюджета с использованием зарубежного опыта	505

IQTISODIY TARAQQIYOT VA TAHLIL ILMIY ELEKTRON JURNAL

UO'K: 336.225.611

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дўлабов Зафар Акбарович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0002-8540-8066
dulabov07@mail.ru

Аннотация. *Ушбу мақолада солиқ мажбуриятлари аудитининг назарий асослари ёритилган. Шунингдек, солиқ мажбуриятлари бўйича ўтказилган солиқ аудити натижалари таҳлили берилган бўлиб, мақола якунида хулосалар шакллантирилган.*

Калит сўзлар*: солиқ, солиқ мажбурияти, солиқ харажати, аудит, солиқ аудити.*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА НАЛОГОВЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ

Дулабов Зафар Акбарович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. *В данной статье описаны теоретические основы проверки налоговых обязательств. Также в конце статьи дан анализ результатов налоговой проверки по налоговым обязательствам и сделаны выводы.*

Ключевые слова: *налог, налоговое обязательство, налоговые затраты, проверка, налоговая проверка.*

IMPROVING THE AUDIT OF TAX OBLIGATIONS

Dulabov Zafar Akbarovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article describes the theoretical basis of the audit of tax obligations. Also, the analysis of the results of the tax audit on tax obligations is given, and conclusions are drawn at the end of the article.*

Key words: *tax, tax obligation, tax cost, audit, tax audit.*

Кириш.

Жаҳонда солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга йўналтиришнинг замонавий воситаларини қўллаш орқали давлатнинг молиявий ва бюджет манфаатларини таъминлашга қаратилган инновацион лойиҳаларни жорий қилишга кенг аҳамият берилмоқда, жумладан солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий солиқ интизомини рағбатлантириш, солиқ тўловчиларнинг фаолиятини риск бошқарув тизими (Risk-management system) орқали баҳолаш ҳамда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитнинг ривожланишини таъминлашда солиқ текширувларини солиқ тўловчиларнинг риск даражасидан келиб чиқиб амалга ошириш масаласига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Солиқ мажбуриятлари аудитини ўтказишда солиқ текширувининг турлари, шу жумладан солиқ аудитидан фойдаланинади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда “солиқ текшируви” ва “солиқ аудити” тушунчалари мамалакатимиз ва хорижий адабиётларда тез-тез ишлатиладиган тушунча бўлиб қолмоқда. Бироқ, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, иқтисодий адабиётларда ҳам “солиқ аудити” тушунчаси ҳар хил талқин қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 85-моддасида солиқ мажбурияти қуйидагича эътироф этилган: Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ тўловчилар зиммасига юклатилган солиқларни ва йиғимларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида тўлаш мажбурияти уларнинг солиқ мажбуриятидир.

Солиқ тўғрисидаги қонунчилик билан солиқ агентларининг зиммасига юклатилган, ўзига нисбатан ушбу шахслар солиқ агентлари деб эътироф этиладиган муносабатлар доирасида солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўз вақтида ўтказиш мажбурияти солиқ мажбуриятига тенглаштирилади.

Солиқ мажбурияти ушбу Кодекс ёки бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган асослар мавжуд бўлганда юзага келади, ўзгартирилади ва тугатилади.

Ҳар бир солиққа нисбатан солиқ мажбурияти солиқ тўловчига солиқ тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ушбу солиқни тўлашни назарда тутувчи ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан юклатилади (Кодекс, 2024).

Норматовнинг (2020) ёзишича, “Солиқ текшируви – солиқ органларининг ваколатли ходими томонидан солиқ тўловчиларнинг (солиқ агенти) солиқ ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тулашини таъминлашга қаратилган солиқ назорати тадбирлари йиғиндиси ҳисобланади” деган таърифни илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Солиқ аудитининг муҳимлигини Барсулая (2019) қуйидагича ифодалайди: “ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”да (2021) солиқ аудити қуйидагича баён этилган:“Солиқ аудити — солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) муайян даврдаги молия ва солиқ ҳисоботларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига барча жиҳатлардан мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини, солиқ солиш мақсадларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олишда солиқ мажбуриятларининг тўғри шакллантирилиши ва акс эттирилишини солиқ органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текширишдир”.

Акрамов (2022)солиқ аудитига қуйидаги таърифни берган: “Солиқ аудити хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтда ва тўлиқ бюджетга тўланишида солиқ қонунчилигига риоя қилинишини мустақил текшириш ҳамда солиқ масалалари бўйича хизматлар кўрсатишдир”. Таърифдан кўриниб турибдики, солиқ аудити аудиторлик текшируви ва солиқ масалалар бўйича хизматларни ўз ичига олади.

Шеремет, Суйцлар (2005) солиқ аудитига “солиқ аудити – бу солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ сиёсатига риоя қилинишини аудиторлик текширишидир” дея таъриф беради.

Тюпканинг (2019) фикрича: “солиқ аудити – бу аудиторлик текшируви топшириғини бажариш бўлиб, унда ташкилотларнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоботлари текширилади ва текшириш натижаларига кўра аудиторлик ташкилоти

улар қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга ишончлилиги ва мувофиқлиги тўғрисида хатти-ҳаракатлар орқали фикр билдирадилар”.

Усатова (2008) ўзининг илмиий ишларида солиқ аудитини қуйидагича эътироф этган: “Солиқ аудити-бу бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ҳолатини, шунингдек ташкилотларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларини мустақил текширишдир”.

Хотамовнинг (2016) фикрича “Солиқ аудити – бу мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барча элементлари ва имтиёзларни тўғри қўлланилганлиги солиқ ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини текширишдир”.

Солиқ аудити бўйича Солиқ кодексининг 140-моддасида: “Муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудитидир. Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади” фикр келтирилган (Кодекс, 2024).

Миронова ва Ханафеевларнинг (2014) фикрича, солиқ аудити аудитнинг бир туридир, “тегишли хизматлар” эмас. Бу муаллифлар ўзларининг фикрларини давом эттириб, солиқ аудити доирасида солиқ режалаштириши амалга оширилади, бюджет билан ҳисоб-китоблар назорат қилинади, шунинг учун ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ташқи аудитнинг мустақил тури деган хулоса қилишади.

Курбанов (2020) солиқ аудитини солиқнинг алоҳида турлари бўйича методикасини ишлаб чиққан ҳолда, қуйидагиларга эътибор беришни қайд этган: “Аудит жараёнида қуйидагиларни текшириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланадиган солиқ турларини;
- солиқ турлари бўйича солиққа тортиш базасини тўғри аниқланишини;
- солиқ имтиёзларини тўғри қўлланилишини ўрганиш;
- солиққа тортиш базаси ва солиқ суммаларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш;
- солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида бюджетга тўланганлигини аниқлаш;
-солиқ органларининг текшириш натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари ва пеняларни тўланганлиги;
- солиқлар ва йиғимларни молиявий ва солиқ ҳисобларида тўғри акс эттирилганлиги;
- солиқ ҳисоботидаги маълумотларни ҳақиқийлиги ва ишончлилиги текширилади.” (Курбанов, 2020).

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, таққослаш, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган. Мавзу бўйича мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида тегишли хулосалар қилинган ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Маълумотларга кўра, 2023 йилда солиқ хизмати органлари томонидан солиқларни тўламаслик хавфи юқори бўлган 958 та тадбиркорлик субектида солиқ аудити ўтказилди. Бу ушбу даврда фаолият кўрсатган жами солиқ тўловчиларнинг (577,5 минг) 0,2 фоизини ташкил этади.

Таҳлика-таҳлил дастури асосида аниқланган солиқ хавфи суммаси – 445,3 млрд. сўм бўлган.

Ўтказилган солиқ аудити натижасида тасдиқланган сумма – 1,5 трлн. сўмни ташкил этган.

Солиқ қўмитаси томонидан 2021-2023-йилларда хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган солиқ аудитининг натижалари тўғрисида таҳлил 1-жадвалда келтирилган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йилда Солиқ қўмитаси бўйича 33 337 та солиқ аудити бўйича текширувлар ўтказилган бўлса, 2022 йилда 30 644 та ва 2023 йилда 32 411 та текширув ўтказилган. Солиқ аудити ўтказилиши натижасида 2021 йилда 15 639,1 млрд. сўм, 2022 йилда 16856,5 млрд. сўм ва 2023 йилда 17 603,8 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобланган.

Текшириш натижасида солиқ турлари бўйича солиқ мажбуриятлари бўла туриб, солиқлар ва йиғимларни тўламаслик оқибатида 2021 йилда 2 865,5 млрд. сўм, 2022 йилда 4 633,8 млрд. сўм ва 2023 йилда 5 041,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобланган.

1-жадвал

2021-2023-йилларда ўтказилган солиқ аудити натижалари таҳлили[152]

млрд.сўм.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1	**Ўтказилган солиқ аудитлари**	сони	33 337	30 644	32 411
2	Солиқ кодексининг 158-159-моддаларига мувофиқ кўриб чиқилган материаллар	сони	30 505	0	10740
3	Солиқ ҳуқуқбузарликлари аниқланган солиқ тўловчилар	сони	10 228	9 426	12749
	шу жумладан:	**x**	**x**	**X**	**x**
4	Солиқлар ва йиғимларни тўламаслик (млрд.сўм)	сони	9 922	9 198	9271
		суммаси	2 865,5	4 633,8	5 041,7
5	Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмаслик	сони	3 055	3 432	3 241
		суммаси	8 508,2	8 141,3	8 371,8
6	Ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализатсия қилиш жойида мавжуд эмаслиги	сони	294	330	314
		суммаси	904,5	865,5	890,7
7	Расмийлаштирилмаган (кирим қилинмаган) товарларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва реализация қилиш	сони	2 252	2 530	2 473
		суммаси	3 280,5	3 139,0	3 215,2
8	Яшириш ёки камайтириб кўрсатишнинг бошқа фактлари	сони	170	191	185
		суммаси	80,4	76,9	84,4
	Жами қўшимча ҳисобланган солиқ	суммаси	**15 639,1**	**16856,5**	**17 603,8**

1-жадвалдан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган солиқ аудитлари сони йилдан йилга ошмаган бўлсада, аудит якунида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, шунингдек, ресурс солиқлари ҳам йилдан йилга ошганлигини кўришимиз мумкин.

[152] Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ мажбуриятлари бўйича солиқ қарзларини ўз вақтида сўндирмайдиган солиқ тўловчиларда солиқ текширувларини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Солиқ аудити солиқ текширувининг алоҳида тури бўлиб, солиқ қарзи кўп ва солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларда ўтказилади.

Солиқ турлари ва иқтисодиёт тармоқларининг хусусиятларини ҳисобга олган олда солиқ аудитини ўтказиш методикасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Солиқ аудитига доир меъёрий ҳужжатларда солиқ аудити ўтказилган шахс солиқ текшируви далолатномасида баён этилган ҳолатларга ва текширувчиларнинг хулосалари ҳамда таклифларига рози бўлмаган тақдирда, солиқ аудити далолатномасини олган кундан эътиборан ўн кун ичида тегишли солиқ органига мазкур далолатнома бўйича умуман ёки унинг айрим ҳолатлари юзасидан ёзма эътирозларини тақдим этишга ҳақлиги ҳамда солиқ аудити тугаган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай рўйхатдан ўтказиш деб аниқлаштириб қуйиш лозим.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Акрамов Ф.А. (2022) Солиқ харажатларининг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Дисс. автореферати. Тошкент.

Барсулая Т.Д. (2019) Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Барсулая Т.Д. – Москва: Русайнс, - 582 с. ISBN 978-5-4365-3384-1. – URL: https://book.ru/book/932100.

Кодекс (2024) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.

Курбанов З.Н. (2020) Солиқ аудитининг назарий масалалари. "Логистика ва иқтисодиёт" электрон илмий журнал. 1-сон. 47-53 б.

НИЗОМ (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги "Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги 1-сонли қарорининг 2-иловаси "Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ".

Норматов Бекзод Акрам ўғли (2020) Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент.

Тюпка Д.А. (2019) Проблемы современного аудита или есть ли будущее у аудиторской деятельности в России / Д.А. Тюпка, М.А. Олейник // В сборнике: Проблемы и перспективы развития экономического контроля и аудита в России Сборник статей по материалам X Всероссийской научно-практической конференции молодых ученых. Ответственный за выпуск В.П. Попов; под общей редакцией М.Ф. Сафоновой. - С. 41-46.

Усатова Л.В. (2008) Организация процесса налогового аудита расходов. Журнал экономический анализ: теория и практика, 24 (129), 26-31стр

Ҳотамов К.Р. (2016) "Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш" диссертация и.ф.д., –Т.: 136 б.

Шеремет А.Д., Суйц В.П. (2005) Аудит: Учебник. –М.: ИНФРА-М, – 280 с.